

# Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил  
19 февраль,  
жума  
№ 7 (832)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: «НАМАНГАНГА ОДАМЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНИНИ ЯХШИ ҚИЛИШ УЧУН КАТТА ЗАМИН, КАТТА МАБЛАҒЛАР БИЛАН КЕЛДИК»

**Президент Шавкат Мирзиёев саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги лойиҳалари, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш, маҳаллалардаги шароитни ўрганиш мақсадида 18 февраль куни Наманган вилоятига келди.**

Ташриф дастурига мувофиқ илк манзил Янгикўрғон тумани бўлди. Давлатимиз раҳбари ўтган йили июнь ойида вилоятда бўлганида Косонсой, Чортоқ, Янгикўрғон туманларини боғдорчиликка ихтисослаштириш яхши самара беришини айтган эди. Жорий йил 11 январда эса "Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди.

Шунга мувофиқ, ушбу тоғли туманларда замонавий боғ ва тоқзорлар ташкил этилмоқда.

Улардан бири — Янгикўрғондаги "Sura General Investments" масъулияти чекланган жамиятининг боғи. Илгари сугорилмаганлиги сабабли шу пайтгача унумли фойдаланилмаган келинган бу ерда Бирлашган Араб Амирликларининг 3 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияси ҳисобига 103 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилди.

Авалло, 250 метр чуқурликдан сув чиқарилди. Ховуз қазилиб, томчилатиб сугориш тизими ўрнатилди. Ўтган йили Италиядан кўчат олиб келиниб, 48 гектарга гилос, 26 гектарга ўрик, 22 гектарга шафтоли, 7 гектарга олхўри экилди.

Президентимиз боғнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди. Бу ерда мева ҳосилдорлиги оддий усулдаги нисбатан 3 марта юқори. Навлари ҳам бозорбоп. Томчилатиб сугориш тизими натижасида ҳар гектар ерда сувни 2 баробар кўпроқ иқтисод қилиш мумкин.

Дарахтлар келгуси йили ҳосилга киради. Боғнинг йиллик кувва-

ти 5 минг тонна бўлади. 4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Корхона яна минг гектарда боғ яратишни мақсад қилган.

Боғда 40 киши иш билан таъминланган. Қатор ораларида сабзавот етиштириш учун ишсиз ёшларга ер бўлиб берилган.

Давлатимиз раҳбари шундай ёшлар билан суҳбатлашди.

— Сизларнинг ишли бўлганларингни, кайфиятларингни кўриб хурсандман. Йўлларингизни топиб, иш билан бўлиб, бирингизни икки қилиб, фарзандлар қамолни кўриб яшасаларингиз — менинг энг катта мақсадим шу. Бунинг учун шу билан чегараланмай, кўпроқ билим олишингиз, янги марраларга интилишингиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Илгари наманганлик 160 минг киши хорижга иш излаб кетгани, бугун яратилаётган имкониятлар натижасида уларнинг 100 минг нафари юртимизга қайтиб келгани таъкидланди.

— Ёшлар йўлини тасаввур қилолса, куч пайдо бўлади. Қийинчиликлардан, синовлардан хафа бўлмаслик керак. Ҳаёт мактабини ўтаган инсон дунёга бошқача қарайди. Ёшларнинг яхшисию, ёмониям бизнинг фарзандларимиз. Сизларга ўхшаган интилувчан, эртанги кунига бефарқ бўлмаган, касб-хунари ёшлар бошқа тенгдошларига ўрнқ бўлиши керак, — деди Президент.

Президентимиз интенсив боғ инвестори билан мулоқотда бўлди. Шу ерда Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Чуст туманидаги "Chust textile" хусусий корхонасини бориб кўрди.

Ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналиши. Шу мақсадда шаҳар ва туманларда тўқимачилик мажмуалари

ташкил этилмоқда. Зеро, бунинг учун хомашё, инфратузилма ва бозор бор.

"Chust textile" корхонаси "Наманган" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташкил этилган. Фабриканинг иккита мажмуасида 1 минг 300 киши меҳнат қилмоқда.

Корхона буюртмага қараб, барча турдаги устки ва ички кийимларни ишлаб чиқариши мумкин. 2020 йилда қарийб 2 минг тонна мато ҳамда 5 миллион 200 минг дона тайёр трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, Италия, Россия, Қозоғистон ва Тожикистон каби давлатларга 9 миллион доллардан зиёд экспорт қилинган. Жорий йилда экспорт ҳажмини 12 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Президент корхонадаги иш жараёнини, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

— Илгари эгилиб пахта экардик, эгилиб терардик, лекин бошқа давлатларни боқардик. Охирги йилларда яратилган имкониятлар тўғрисида янги корхоналар пайдо бўляпти, тadbirkorлар эмин-эркин ривожланипти, қайта ишлаш даражаси ошяпти. Кластерлар тузиб, пахтани эғали қилганимиз учун унинг сифати ҳам ўзгарапти. Пахта сифатли бўлса, тadbirkorга осон бўлади, маҳсулоти сифатли, рақобатбардosh бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхона бинолари кўп материал сарфланмай, ангар усулида барпо этилган. Натижада қурилишнинг ўзидан 6 миллион доллар иқтисод қилинган. Яна бир афзаллик шундаки, иншоот аънанавий усулда нисбатан 2-3 марта тез йиғилади ва тикланади. Арзон ва сифатли ушбу материални кейинчалик зарур бўлганда таъмирлаш учун ҳам маблағ сарфланади. Бино шамол, қор ва зилзилага ўта бардошли. Махсус ҳаво алмаштириш ускуналари билан шихозлангани тўғрисида қишда иссиқлик, ёзда салқинлик таъминланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг маҳсулот таннархига, рақобатбардoshлигига таъсирини таъкидлаб, бошқа тўқимачилик мажмуаларини ҳам шундай лойиҳа асосида қуриш бўйича кўрсатма берди.

"Chust textile" лойиҳасининг умумий қиймати қарийб 12 миллион доллар бўлиб, уч босқичга мўлжалланган. Тўлиқ қувватда йилга 5 минг тонна мато, 15 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Ишчилар сонини 2 минг 200 га етказиш режалаштирилган.

Шу ерда Наманган вилоятида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги "Даштбоғ" кичик саноат зонасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида саноат салоҳиятини янада ошириш учун туман ва шаҳарларда технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилишини айтган эди.

Хусусан, Наманган вилоятида 72 та кичик саноат зонаси учун жой ажратилган. Бугунги кунда шундан 34 таси қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Даштбоғдаги мажмуа яқинда ташкил этилганига қарамай, корхоналар бирин-кетин ишга туша бошлади. Масалан, "Dream liner tekstil" масъулияти чекланган жамиятида махсус кийимлар ва эркаклар кўйлаги тикиш йўлга қўйилди. Бу ерда маҳаллий аҳоли вакилларидан 120 нафари ишламоқда.

Шавкат Мирзиёев улар билан мулоқотда бўлди.

— Эшитаясизлар, Ўзбекистонда "маҳаллабай", "хонадонбай" деган ибора пайдо бўлди. Бу дегани — ҳар бир оиланинг дардини, ниятини билиб, уларга елкадош, кўмакдош бўлиш, шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз.

(Давоми 2-бетда) ►

## Муносабат

### Халқчил дастур

инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойиллини кенг жорий этишга қаратилган

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили"га амалга оширишга оид Давлат дастури 273 та банддан иборат.

(Давоми 3-бетда) ►

## Қонун моҳияти

### Болалар ҳуқуқларини қаролатлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши



Қуни кеча "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Янги қонуннинг маъмурий-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юртишдан аввал, уни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишга туртки берган муҳим омилар ҳақида тўхталиш ўринлидир.

(Давоми 3-бетда) ►

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

"Рақамли Ўзбекистон — 2030" Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин: а) қуйидаги асосий устувор йўналишларни назарда тутувчи 2021-2022 йилларда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ: сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини, шунингдек, яқин ва узок истиқболда ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун шарт-шароитларни белгилловчи **Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш**; иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгилловчи **норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш**; аҳоли манфаатлари йўлида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунинг-

дек, маълумотларни қайта ишлашда давлат органларининг самарадорлигини ошириш учун **сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш**; фойдали технологик ечимларни ишлаб чиқиш бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни кейинчалик тижоратлаштиришни рағбатлантирувчи **сунъий интеллект соҳасида инновацион ишланмаларнинг маҳаллий экотизимини яратиш**; сунъий интеллект технологияларини қўлловчи дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш учун **шароит яратиш**, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштиришни таъминлаш;

**сунъий интеллект соҳасидаги илмий ишлар ва ишланмаларнинг инвестицион жозибдорлигини шакллантириш**, шу жумладан, товарларнинг (иш ва хизматларнинг) ички ва ташқи бозорларда рақобатбардoshлигини ошириш;

**маҳаллий корхоналар ва мутахассисларнинг сунъий интеллект соҳасидаги ахборот ресурслари ва билимлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш**, шунингдек, зарур таълим муҳитини ривожлантириш;

(Давоми 2-бетда) ►

**Хабарингиз бор, газетамизнинг 2020 йил 5 июндаги 17-сонига "Адолат қарор тоғли И.Эшмуродов 11 йилдан сўнг оқланиб, жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинди" сарлавҳали мақолага Жонгор тумани Пешқандоқ қишлоғида яшаган Ихтиёр Эшмуродовнинг жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг 2009 йил 3 августдаги ҳукмига биноан ноҳақ судлангани ҳамда 11 йил деганда оқланиб, жазони ижро этиш муассасасидан озод қилингани баён этилган эди.**

Келинг, асосий фикрга ўтишдан олдин ва ўқувчиларга янада тушунарли бўлиши учун воқеа тафсилотларини яна бир қарра эсга олсак. Биринчи босқич судининг ҳукмида қайд этилишича, Ихтиёр Эшмуродов ўз ҳамқишлоғи Тамара Юллеванинг жуда кўп миқдордаги — 10.164.000 сўмга тенг бўлган 7.000 АҚШ долларини (2009 йил 29 январь куни 1 АҚШ доллари 1.408 сўм 44 тийин тенг бўлган) қўлга киритмоқчи бўлган. Шу мақсадда И.Эшмуродов 2009 йил 29 январь куни кеч соат 22:30 да Т.Юллеванинг ётоқхонасига ғайриқонуний равишда бости-

## Оқлов

### Амалиётдаги камёб ҳолат судларнинг чинакам адолат кўрғонига айланаётганини исботлади



риб кириб, аёлнинг ўзи ҳамда 2000 йилда туғилган невараси, вояга етмаган Умрия Ҳамроевага ҳужум қилади. Яъни аввалига ухлаб ётган, ожиз аҳволдаги Т.Юллевани бўғади.

Сўнгра ўзи билан олиб келган ёғоч таёқ билан бир

неча маротаба уради. Кейин вояга етмаган Умрияни ҳам ўлдириш учун худди шу тарзда кетма-кет зарба беради. Оқибатда буви ва набира хушларидан кетиб, йиқилишади.

(Давоми 4-бетда) ►

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг электрон тўлов тизими (billing.sud.uz)



2019 йилнинг апрель ойидан бошлаб судлар фаолиятига Олий суднинг Интерактив хизматлар порталида ([my.sud.uz](http://my.sud.uz)) жойлаштирилган "Электрон тўлов тизими" рунки орқали давлат божлари ва судга мурожаат қилишдаги бошқа ҳаражатлар суммасини онлайн тарзда тўлаш учун ягона электрон тўлов тизими жорий этилди.

Бу билан фуқароларга бир қатор қулайликлар яратилди: — судга мурожаат қилганлик учун тўловларни амалга оширишда банк ҳисоб рақамлари ва бошқа реқвизитлар қўлда тўлдирилмайди; — амалга оширилган тўловлар учун банклар томонидан тўлов амалга оширилгани ҳақида алоҳида тасдиқ талаб этилмайди; — тўловлар исталган усулда (жумладан, "CLICK", "PAYME" ва "URAY" электрон мобил тўлов тизимлари орқали) амалга оширилиши мумкин; — суд қарорига асосан ундирилиши белгиланган тўловлар ҳам маъмурий тизим орқали амалга оширилади ва бундан тасдиқловчи маълумотни судга тақдим этиш шарт бўлмайди. Мазкур тизим фуқаролар ҳамда тadbirkorларга судга мурожаат қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тўловларни тезкорлиги ва аниқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида шунини айтиш кераки, шу пайтга қадар ушбу тизим орқали 8,1 миллиард сўмлик 5 325 та тўлов амалга оширилган.

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: «НАМАНГАНГА ОДАМЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНИНИ ЯХШИ ҚИЛИШ УЧУН КАТТА ЗАМИН, КАТТА МАБЛАҒЛАР БИЛАН КЕЛДИК»

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маҳаллангизда мана шундай жой қурилгани, сизлар ишли бўлиб, бир-бирларинг билан кўришиб, вилоятда, мамлакатимизда бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиб, яхши кайфиятда яшаётганларингиз — ана шу ҳаракат натижаларидан бири. Олдинда яна режаларимиз, мақсадларимиз кўп. Наманганга ҳам одамларнинг эртанги кунини яхши қилиш учун катта замин, катта маблағлар билан келдик, — деди Президент.

Бу ерда яна тўртта корхона фаолият юритмоқда. "Navro'z tekstil sanoat" корхонасида болалар ва эркаклар кийими, "Aziz Dizayn Servis" ширкатида сумка, рюкзак ва чамадон, "Biaz text" да сандвич панеллар ишлаб чиқарилмоқда. "Келажак мега строй" масъуляти чекланган жамияти томонидан ўқув маркази очилган. Мазкур корхоналарда 300 га яқин иш ўрни яратилган.

"Даштбоғ" кичик саноат зонаси майдони қарий 4 гектар. Яна қўллаб қорғонларда қурилиш, ускуналар ўрнатиш давом этмоқда. Саноат зонасида умумий қиймати 119 миллиард сўмлик 22 та лойиҳа амалга оширилди, режалаштирилган. 3 мингдан ортқ иш ўрни яратиш, 2,7 миллион долларлик экспорт қилиш мўлжалланган.

Кичик саноат зонаси Даштбоғ маҳалласи ичида жойлашган. Бу ерда 1 та мактаб, 2 та боғча, тиббиёт пункти, Давлат хизматлари маркази ва Миллий банк филиали бор. 4700 дан ортқ аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада кичик саноат зонаси қурилгани, айниқса, барчани хурсанд қилди. Ҳозирнинг ўзида 60 дан зиёд ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Саноат зонаси тўлиқ фаолият бошлагач, Даштбоғ маҳалласида яшовчи 1500 дан ортқ фуқаронинг бандлиги таъминланади. Яъни маҳаллада ишсиз одам, деярли, қолмайди. Бундан ташқари шу атрофда яшовчи Шодлик, Заркент, Юқори Фирвон, Ўрта Фирвон, Меҳрибонлик, Обихаёт, Зарафон каби маҳаллаларда яшовчи юзлаб ёшлар ишли бўлади.

Шу ерда Наманган вилоятида йўл, транспорт, қурилиш ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари Аҳсикент ёдгорлигини очик осмон остидаги музейга айлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди.

— Аҳсикент — жуда нодир ёдгорлик. У ердаги ишларни илм билан, миллий ғурур билан, ҳурмат билан қилиш керак. Бу жой "Наманганнинг Регистони" бўлиши керак, — деди Президент.

Президент "Даштбоғ" кичик саноат зонасидаги корхоналарни кўрганидан кейин, маҳалладаги шароитларни кўздан кечирди. Исмоил Кирғизов ва Малика Парпиева хонадонида бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Гуруннга кўни-кўшилилар ҳам келди. — Мен кўпроқ оддий одамлар билан гаплашсам, сизларнинг кўзларингизга қарасам, ниятларингизни билсам, дейман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Нуронийлар маҳалла тизимида эътибор натижасини ўз ҳаётлари мисолида сўзлаб берди. Ижтимоий муаммолар ҳақи бўлиб, турмуш шароити яхшиланаётганини айтди.

— Нима учун ҳамма кучни маҳаллага ташлапмиз. Марказдаги битта кўчани ёритиб

кўйганимиз билан одамлар рози бўлмайди-ку. Маҳаллардаги одамларимиз, аёлларимиз, жонажон ёшларимизни ким эшитади?! Наманган вилоятида ҳам 141 та маҳаллада муаммолар бор — қаерда йўл йўқ, қаерда сув йўқ, қаерда ишсизлик кўп. Ушбу камчиликларни билиб, ҳис қилиб, катта маблағ билан келганимиз. Энди уни ким назорат қилади, ким халқни ўйлайди? Маҳалла, жамоатчилик. Энди маҳалла раиси янгиликка интиланган, одамларнинг оғирини енгил қиладиган бўлиши керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Даштбоғ маҳалласи идораси, Давлат хизматлари маркази филиали кўздан кечирилди.

Президент Наманган шаҳридаги "Art soft holding" ширкатининг илмий-амалий малака ошириш маркази ҳамда "Ишга марҳамат" мономаркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 августдаги "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, барча ҳудудларда шундай марказлар ташкил этилмоқда.

"Art soft holding" ширкати маркази тўқимачилик соҳасига иктисослашган. Бу ерда 12 турдаги ишчи касб бўйича йилига 2 мингдан зиёд мутахассис тайёрланади.

Корхона ёнида жойлашган мономарказда 9 соҳанинг 27 хил йўналиши бўйича йилига 3 минг нафардан зиёд аҳоли ўқитилади. Бу йўналишлар меҳнат бозори талабини ўрганиш асосида ташкил этилган. Ўқув ва машғулот хоналари зарур асбоб-анжом, станок, компьютер, муляж ва бошқа амалиёт ускуналари билан таъминланган.

Муҳим томони шундаки, марказ давлат-хусусий шериклик тизимида ишлайди. Машғулотларни амалиётчи усталар, тадбиркорлар олиб боради. Давлат шароит яратиш, илмий-ишлаб чиқариш жиҳатидан таъминлайди, тадбиркорлар эса ўзлари ўқитган ёшларни ишга олади. Яъни, бу ерда касб ўрганган йигит-қизлар ишсиз қолмайди.

Марказда ахборот технологиялари ва хорижий тиллар ҳам ўргатилади. Хусусан, IT-мутахассислар онлайн хизматлар кўрсатиб, яхши даромад топмоқда.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди, мураббийлар, касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди. Давлатимиз раҳбари вилоятга келишдан асосий мақсади, ислохотларни амалга оширишда қийинчилик туғдираётган омиллар, Наманганнинг иқтисодий салоҳияти, ишбилармон одамлари ҳақида гапирди.

Мономарказда Наманган вилоятида "маҳаллабай" ишлаш тизимини ташкил этиш юзасидан тақдимот ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
**Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,**  
*ЎЗА мухбирлари*

# СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

қўшма халқаро тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, республикамизнинг нуфузли рейтинглар ва индексларда позициясини яхшилаш мақсадида **сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш;**

**б) қўйидаги устувор тармоқлар ва соҳаларда, шу жумладан, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк резидентларини жалб қилиш ҳолда **Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалар рўйхати** 2-иловага мувофиқ;**

**қишлоқ хўжалиги соҳасида:** ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолатини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан, комбайнлар иштини мониторинг қилиш жараёнида сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Қишлоқ хўжалиги вазири, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзбеккосмос" агентлиги (**Ж.Ходжаев, Қ.Юлдашев, Ш.Қодиров**);

**банк соҳасида:** тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Марказий банк, "Ўзбекистон Республикаси" ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ, АТ "Алокабанк" (**М.Нурмуратов, А.Мирсоатов, К.Ирисбекова**);

**молия соҳасида:** бюджет харажатлари, пенсия, ижтимоий ва сугурта тўловлари, шунингдек, нафақа тўловларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Молия вазири (**Т.Ишметов**);

**солиқ соҳасида:** юридик шахсларнинг солиқ тушумларини таҳлил қилиш, солиқ тўловларидаги тафовутларни аниқлашда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазири (**Ш.Кудбиев, Д.Султонов**);

**транспорт соҳасида:** логистика ва хорижий жараёнида уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш ва хавфли вазиятларда машинистларни оғоҳлантиришда, жамоат транспорт харақатини таҳлил қилиш ва уларнинг оптимал йўналишларини аниқлашда, шунингдек, автомобиль харақатини ва транспортдаги тирбандликларни мониторинг қилишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Транспорт вазири (**Ўзбекистон темир йўллари**) АЖ, "Тошхазартрансхизмат" АЖ, Ички ишлар вазири (**И.Мақжамов, Х.Хасилов, А.Жўраев, А.Икрамов**);

**энергетика соҳасида:** энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмолни прогноз қилишда, технологик ускуналар иштини оптималлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Энергетика вазири, "Худудий электр тармоқлари" АЖ (**А.Султанов, У.Мустафоев**);

**соғлиқни сақлаш соҳасида:** инсон ўпқасининг компьютер томографияси таҳлили асосида пневмонияни аниқлаш ҳамда маммография таҳлили асосида кўрак бези саратонига ilk босқичда таъхис қўйиш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Соғлиқни сақлаш вазири (**А.Хаджибаев, А.Азизов**);

**фармацевтика соҳасида:** бозорнинг дори воситалари ва тиббий буюмларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "Дори-Дармон" АЖ, Соғлиқни сақлаш вазири (**С.Кариев, У.Салихбаева, А.Азизов**);

**электрон ҳукумат соҳасида:** электрон давлат ва молия хизматларини кўрсатишда фойдаланувчиларни масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Ахборот тех-

нологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири (**Ш.Садиков**).

2. Қуйидагиларга:  
**Инновацион ривожланиш вазири** (**И.Абдурахмонов**) сунъий интеллект соҳасида илмий-техник тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш;

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири** (**Ш.Садиков**) сунъий интеллект асосидаги дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун технологик шароитларни яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони билан ташкил қилинган "**Рақамли Ўзбекистон — 2030**" Стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига (**А.Н.Арипов**) (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш комиссияси) Дастури ҳамда сунъий интеллект технологияларини таъбиқ этиш ва қўллаш билан боғлиқ бошқа ташаббусларни комплекс мувофиқлаштириш юзасидан жаъобгарлик юклансин.

3. Мувофиқлаштириш комиссияси (**А.Н.Арипов**) етакчи хорижий мутахассислар ва компанияларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 декабрга қадар яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган **Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини** тасдиқлаш учун киритсин. 4. Белгилансинки:

сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш **Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоъларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан **ушбу мақсадлар учун алоҳида очилган ҳисоб рақами** орқали амалга оширилади;

сунъий интеллект технологияларини қўллаш илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни мақсадли молиялаштириш **Жамғармининг** маблағлари ҳисобидан **Мувофиқлаштириш комиссияси ишчи органининг хулосасига** кўра амалга оширилади;

Инновацион ривожланиш вазири Мувофиқлаштириш комиссиясининг хулосасига кўра, давлат илмий дастурлари бўйича илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун мўлжалланган Давлат бюджетни маблағлари доирасида Жамғармага сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқот ва инновацион ишланмаларни ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга маблағларни йўналтириш ҳуқуқига эга.

5. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети хузуридаги Интеллектуал-дасурий тизимлар илмий-амалий маркази негизида **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири** (**Ш.Садиков**) ва **Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил қилинсин.

**Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

"Рақамли Ўзбекистон — 2030" Стратегиясини ҳар томонлама амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш; сунъий интеллект соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш, рақамли технологияларни ривожлантиришнинг илмий экзотикани шакллантириш; сунъий интеллект технологиялари асосида бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш бўйича инновацион маҳсулотларни ҳамда уларнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминоти ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича етакчи хорижий инновацион ва илмий муассасалар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

6. Белгилансинки: Институт **юридик шахс мақомига эга давлат илмий ташкилоти** бўлиб, Муҳаммад

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети хузуридаги Интеллектуал-дасурий тизимлар илмий-амалий марказининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Институтнинг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларни молиялаштириш **Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;**

Институт ходимларига **Фанлар академияси** тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари таъбиқ этилади;

Давлат бюджетининг мазкур қарор доирасида Институт фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлари 2021 йилда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири учун ажратилган бюджет ажратмаблағларини доирасида молиялаштирилади, 2022 йилдан эса Давлат бюджетининг харажатлар параметрларида белгиланган тартибда назарда тутилади.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири марказий аппарати тузилмасида 15 та штат бирлигини иборат бўлган **Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш департаменти** тузилсин.

Белгилансинки: департамент ходимлари соғи мазкур қарорнинг 5-банди мувофиқ қайта ташкил қилинаётган марказларнинг штат бирикларини ҳисобидан шакллантирилади; департамент иштини умумий мувофиқлаштириш, уни малакали кадрлар билан тўлдирishi Бош вазир маслаҳатчиси — Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи томонидан амалга оширилади.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Инновацион ривожланиш вазири, давлат органлари, тижорат банклари ва йирик саноат корхоналарининг **Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қўшма альянсини** 3-илова мувофиқ таркибда ташкил қилиш бўйича тақлифи маъқуллансин.

Қўшма альянс сунъий интеллект технологияларини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида жорий қилиш бўйича устувор лойиҳаларни жадал ва биргаликда амалга ошириш, уларни ишлаб чиқиш харажатларини оптималлаштириш, ушбу соҳадаги энг яхши тажрибаларни давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида омалаштириш мақсадида ташкил қилинади;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали фаолияти доирасида маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги дастурий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи **рақамли маълумотлар платформасини** яратсин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Адлия вазири ҳамда Марказий банк **идоралараро ишчи гуруҳини ташкил қилсин** ва энг яхши хорижий тажрибалар асосида 2021 йил 1 юнига қадар Вазирлар Маҳкамасига экспериментал инновацион тадқиқотлар доирасида **сунъий интел-**

**лект технологияларини қўллаш бўйича махсус ҳуқуқий режими**ни жорий қилишнинг аниқ механизмлари тўғрисида, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифларни киритсин:

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини сунъий интеллект технологияси асосида трансформация қилишни молиялаштиришга қўмаклашиш дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини сунъий интеллект технологияси асосида трансформация қилиш натижасида иш жойларини сақлаб қолиш мақсадида ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга кетган сарф-харажатларни субсидиялаш дастурини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари учун сунъий интеллект ечимлари ишлаб чиқиш ва ўз фаолиятида жорий қилиш бўйича тадқиқотлар ва ишланмаларни (R&D) рағбатлантирувчи чоралар қўриш.

11. Мувофиқлаштириш комиссиясининг 2021 йилда **сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун очик шаклда тақдим этиладиган давлат маълумотларини** яратиладиган платформада 4-иловага мувофиқ **рўйхат бўйича** жойлаштириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Сунъий интеллект учун давлат маълумотларини шакллантиришга маъсۇл тегишли вазирилик ва идораларнинг раҳбарлари ўзига тааллуқли қисмларда маълумотларни ўз вақтида жойлаштириш, шунингдек, уларнинг тўлиқлиғи, долзарблиғи ҳамда ишончлилиги юзасидан шахсан жаъобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси сунъий интеллект технологиялари асосида қайта ишлаш учун тақдим этиладиган рақамли давлат маълумотлари тўпламларига кириш имкониятини ташкил қилиш ҳамда уларнинг сифати устидан тизимли назоратни таъминлаш.

12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Инновацион ривожланиш вазири ҳамда "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** сунъий интеллект ва катта ҳажмдаги маълумотлар соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари сифатида қабул қилиш бўйича ишлар жаъвалани тасдиқласин.

13. Қуйидагилар:  
2021/2022 **ўқув йилидан бошлаб грант асосида "Сунъий интеллект" йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш босқичма-босқич бошланадиган олий таълим мулк асослари ва илмий ташкилотлар рўйхати** 5-иловага мувофиқ;

**Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини амалий қўллаш бўйича ўқув курслари ва фанларини жорий қилиш кўзда тутилган олий таълим муассасалари рўйхати** 6-иловага мувофиқ тасдиқласин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Инновацион ривожланиш вазири билан биргаликда 2021/2022 **ўқув йилидан бошлаб** 5 ва 6-иловаларда кўрсатилган ҳар бир олий таълим муассасасига камида бир нафар етакчи хорижий эксперт ва олимни сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида ўқитишда иштирок этиш учун жалб қилсин. Белгилансинки, хорижий экспертлар ва олимларни олий таълим муассасаларига жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

14. Инновацион ривожланиш вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Адлия вазири ҳамда Марказий банк **идоралараро ишчи гуруҳини ташкил қилсин** ва энг яхши хорижий тажрибалар асосида 2021 йил 1 юнига қадар Вазирлар Маҳкамасига экспериментал инновацион тадқиқотлар доирасида **сунъий интел-**

лект технологияларини ривожлантириш вазири, АТ "Алокабанк", "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ томонидан **"Сбер" гуруҳи (Россия) билан** биргаликда сунъий интеллект технологияларини таъбиқ қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ишлари олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири (Ш.Садиков, О.Пексов), Инновацион ривожланиш вазири (И.Абдурахмонов, А.Назаров), АТ "Алокабанк" (К.Ирисбекова), "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ (А.Мирсоатов) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, **"Сбер" гуруҳи (Россия) билан хорижий илгор тажриба ҳамда энг яхши тажрибалар асосида сунъий интеллект технологиялари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалалари бўйича** ҳамкорлиқни қўриш чораларини кўрсин, шу жумладан:

бир ой муддатда пилот лойиҳаларини тезкорлик билан ва самарали амалга ошириш, маҳаллий мутахассисларни ўқитиш ташкил қилиш, шунингдек, мазкур қарорда белгилаб берилган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилиш бўйича биргаликда **"йўл харитаси"** ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

сунъий интеллектни ривожлантириш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида, шунингдек, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани тайёрлашда маслаҳатчи сифатида қатнашиш учун **"Сбер" гуруҳини (Россия) етакчи мутахассислари ва экспертлари** жалб қилинишини таъминласин.

17. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ин

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Дунё таърибаси шундан далолат бердики, болалар ҳар доим давлат ва жамият томонидан гамхўрлик қилиш ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Бола ҳуқуқлари — бу ирқи, жинси, тили, дини, туғилган жойи, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ҳеч бир камситишсиз ҳар бир бола эга бўлиши керак бўлган ҳуқуқ ва эркинликлардир.

Бола ҳуқуқларини махсус химоя қилиш зарурати Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл, шунингдек, болалар манфаатларини химоя қилиш билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг тегишли ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Хусусан, 1959 йилдаги Бола ҳуқуқлари декларациясида ҳар бир бола учун ҳеч қандай камситиш ва чеклашларсиз бутун бошли ҳуқуқлар мажмуи мустаҳкамланган.

Ушбу Декларация асосида 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бола ҳуқуқлари соҳасидаги биринчи мажбурий халқаро ҳужжатдир. Мазкур ҳужжатда инсониятнинг узвий бўлаги сифатида тан олинган болаларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланган.

Мамлакатимиз 1992 йилда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиши натижасида унинг қоидаларини бажариш мажбуриятини зиммасига олган. Болаларнинг Конвенцияда кўрсатилган ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни химоя қилиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар ва кафолатлар яратиш мамлакатимиз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда юртимизда бола ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди. Ниҳоят эши эркалар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланди. Етим болалар ва ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий химоя қилиш тизими тақомиллаштирилди.

Бироқ бугунги кун талаби болалар ҳуқуқларини химоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини тақомиллаштириш тизимини қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Амалдаги қонунчиликда бола ҳуқуқларини тўлиқ ҳақда химоя қилишга имкон бермайдиган бир қатор бўлиқлар мавжуд.

АҚШ Меҳнат департаментининг 2019 йил янунлари бўйича "Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари" бўйича ҳисоботида Ўзбекистон сўнгги йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш, шунингдек, болалар меҳнатининг оғир шакллари йўқотиш, уларга нисбатан мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича сезиларли ишларни амалга оширгани таъкидланган.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада бир қатор самарадор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, пахта йиғим-теримида болалар меҳнатининг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўрилди. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жавобгарлик кучайтирилди ва бундай ҳолат такроран содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Меҳнат инспекторлари сони икки баравар оширилди, болалар меҳнати бўйича қонунлар ва уларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида аҳоли ўр-

Қонун моҳияти

Болалар ҳуқуқларини кафолатлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши



тасида кенг тушунтиришлар амалга оширилди.

Шундай бўлса-да, соҳада айрим камчиликлар мавжудлиги АҚШ Меҳнат департаментининг 2019 йил янунлари бўйича ҳисоботида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Қуқумат томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, Ўзбекистонда болалардан тижорий мақсадларда шахвоний эксплуатация қилиниши ўз ичига олган болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида мамлакат ичида ва ташқарисида ҳамон фойдаланилаётгани ҳамда бу борадаги қонунчилик халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ эмаслиги таъкидланган.

Ҳисоботда АҚШ Меҳнат департаментининг мазкур масалалар юзасидан бир қатор тавсиялари баён этилган.

АҚШ Меҳнат департаментининг ҳисоботида назарда тутилган тавсиялар ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясининг шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни химоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишлари асосида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қабул қилинди.

Ушбу қонунга биноан, аввало, Жиноят кодекси 128<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшга бўлган шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда унга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни қаноатлантириш усулда қондириш учун жавобгарлик белгиланди. Бунда жиноятнинг объектив томони зарурий белгиси сифатида қилмиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилгани кўзда тутилади.

Шу билан бирга, ушбу жиноят объекти сифатида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг нормал ва ахлоқий ривожланиши эканлигини инобатга олиб, жиноят субъекти ёши 18 ёш этиб белгиланди.

Жиноят-процессуал кодексининг 381<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмига

қўшимча киритилиб, Жиноят кодексининг 128<sup>1</sup>-моддаси бўйича тергов ички ишлар органига тегишлилиги белгиланди.

Жиноят кодексининг 148<sup>2</sup>-моддаси иккинчи қисмига вояга етмаган шахсни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлики белгиловчи ўзгариш киритилди.

Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун жавобгарлики назарда тутилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси иккинчи қисми кодексдан чиқариб ташланди.

Жиноят кодексининг 216<sup>1</sup>-моддаси вояга етмаган шахсни ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш учун жиноий жавобгарлики белгиловчи иккинчи қисм билан тўлдирилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига тўла мувофиқ келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (25-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (8, 23, 24-моддалар), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (10-модда) талабларига кўра, бола ҳуқуқлари кафолатланган ва ҳеч ким мажбурий ёки зураки меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим.

Бундан ташқари ушбу қонун мамлакатимизнинг бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш орқали зиммасига олган мажбуриятларига мосдир. Бу ўринда, жумладан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол, Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция, Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шотландия чоралар тўғрисидаги конвенция (182-сон Конвенция), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдо-

сининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол (Палермо протоколи) ҳақида сўз бормоқда.

Биринчидан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 34-моддасида иштирокчи-давлатлар болани шахвоний мақсадларда фойдаланиш ва шахвоний бузишнинг барча шаклларида химоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олиши белгиланган. Бунда шахвоний мақсадларда фойдаланиш деганда — болалардан фоҳишабозлик ёки ғайриқонуний равишдаги бошқа шахвоний мақсадларда фойдаланиш ҳамда улардан порнография ва порнография материаллари тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш тушунилади.

Иккинчидан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколнинг 3-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат болани жинсий эксплуатация қилиш уларнинг жиний қонунчилиги билан таъкиб қилиниши таъминлаш мажбуриятини олган.

Учинчидан, Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шотландия чоралар тўғрисидаги конвенциянинг 3-моддасига кўра, болалардан зураки ёки мажбурий меҳнатга фойдаланиш "болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари" сифатида баҳоланади. БМТнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенцияни ҳаётга татбиқ этишнинг қоидаларини самарали қўллаш ва уларга риоя этишни таъминлаш учун жиноий жавобгарлики жорий этиши ва қўллаш орқали зарур чора-тадбирларни кўриши белгиланган.

Шундай қилиб, янги қонун, авваломбор, болаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари химоясини янада кафолатлайди. Шу билан бирга, одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Рустам АТОВУЛЛОЕВ,**  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази бош ҳуқуқий  
маслаҳатчиси



Урганч шаҳар ҳокимлигида ўзини уғдабурон санаган "ишбилармонлар" йўқ, десангиз, янгилашасиз. Шундайлардан бирининг "топоналиги" боис Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги "2011-2015 йилларда" ибораси билан бошланувчи қарори матни "2011-2019 йиллар" иборасига ўзгарди.

Балки "Шунгаю ота ўри қозихонами, эътиборсизлик оқибатида йўл қўйилган ва дарҳол тузатса бўладиган оддийгина хато экан-ку!" — дея эътироз билдирарсиз. Ҳа, эътирозингиз ўринли. Бироқ ўша атиги биттагина "жузъий" хато пировардида бутун бошли тадбиркорлик субъекти-ю, ушбу ҳокимликни овра-ю сарсон қилгани, жиддий қонунбузилиш ҳолати рўй бергани, ҳатто суд органини чалғитишга қаратилган ноҳўя қилмиш ҳам бўй кўрсатганига нима дейсиз?

Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат болаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида" 2010 йил 29 декабрдаги 332-сонли қарорининг амал қилиш санаси бузиб кўрсатилди. Шаҳар ҳокимлиги 2018 йил-

нинг 5 ноябрда ижро муддати салкам 4 йил муқаддам-2015 йили тугаган ушбу ҳужжатни асос қилган ҳолда янги 2814 к-сонли қарорни қабул қилди. Унга биноан тадбиркор Шохрух Комиловга Урганч шаҳридаги Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғи худудидат "Ўқув маркази" биноси қуриш учун ваколатли маҳкама — "Тошбошплан ЛИТИ" давлат унитар корхонасининг бош режаси асосида 400 квадрат метр ер майдони узок муқаддатли ижара шартномаси асосида ажратиб берилди.

Мазкур ерни ўзлаштириш муддати уч йил, 2019 йил Ер кодексига киритилган ўзгаришдан сўнг эса, 2 йил қилиб белгиланди. Аммо чамаси, ҳокимлик мутасаддилари бу муқаддат ҳам кўп кўришган чоғи, унинг охиралигини кутмаёқ, галдаги қонунбузилишига йўл қўйишди. Ер тадбиркорнинг ихтиёрига берилгани ва ундан фойда-

Қонун кўмаги

Қонунга зид қарор

узок сарсонгарчиликка сабаб бўлди

ланишга қарата лойиҳа-ҳаражат ҳужжатлари тайёрланганидан эътиборан-поса 1 йилу 10 ой ўтган, 400 квадрат метр майдонни тадбиркорога бериш тўғрисида 2018 йил қабул қилинган қарор бекор қилинди. Бу иш 2020 йил 5 сентябрда ҳокимнинг янги 1221 к-сонли қарорини қабул қилиш асосида амалга оширилди. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, "2015 йил" санаси айнан ана шу ҳужжатда "2019 йил" тарзида ўзгаририлди. Унга асосан тадбиркор Ш.Комиловга ажратилган 400 квадрат метр ер майдони яна ҳокимлик ихтиёрига қайтарилди.

Афсуски, бу жараёнда қонунбузилиш ҳолати ва уни хас-пўшлашга қаратилган бошқа ажабтовур воқеалар ҳам рўй берди. Аниқланишича, ҳокимлик мутасаддилари ерни ижарадордан олиб қўйиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш махали "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 60-моддаси талаби-

ни ҳам эътибордан соқит этишган. Аслида қонуннинг талаби оддий, равшан ва тушунарли. Унда қайд этилишича, "Маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс манфаатларига зид равишда бекор қилиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни мажлисда қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилади". Мазкур қонуннинг 9-моддаси талабига кўра, маъмурий орган манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имконини бериши шарт. Бироқ мутасаддилар қонун талабига риоя этишни лозим топишмади. Ерни тадбиркордан қайтариб олиш ҳақидаги қарор маъмурий органининг мажлиси ўтказилмаган, манфаатдор тарафининг иштироки таъминланмаган, унга ўз фикрини билдириш имкони берилмаган ҳолда қабул қилинди.

Бу эса, янада жиддий оқи-

батларга олиб келди. Виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини қонун билан кўриқлаш юзасидан "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасида белгиланган қоида бузилди. Шу боис ҳоким қарорига нисбатан ишончилик ҳолати юзага келди.

Бу ҳолат шаҳар ҳокимлигига қарашли Архитектура ва қуриш бошқармаси тарафидан тадбиркорнинг номига алоҳида лойиҳа-ҳаражат ҳужжати тайёрланган, унга ҳокимлик ҳузуридида доимий ишловчи комиссиянинг барча аъзолари ижобий ҳулоса берган, ер майдонини ижарага олиш ҳуқуқи боғининг "Тошбошплан ЛИТИ" давлат унитар корхонаси томонидан тасдиқланган бош режасига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилган бир вазиятда рўй берди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Муносабат

Халқчил дастур

инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойиллини кенг жорий этишга қаратилган



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишнинг жами харажатлари учун қарийб 30 триллион сўм, 2 миллиард 600 миллион АҚШ доллари ва 57 миллион евродан зиёд маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Давлат дастурининг асосий мақсади — ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Шу асосда Дастурда Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари бўйича амалга ошириладиган вазифалар, жорий этиладиган тартиб ва амалиётлар белгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 10 февраль куни "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, "Бу дастурни ҳануз давом этаётган пандемия шароитида, глобал инқироз кучайиб бораётган мурракб бир вазиятда амалга оширишимизга тўғри келади. Ҳар қанча қийин бўлмасин, 500 минг нафар ёш ва 200 минг аёлни иш билан таъминлаш ҳамда 300 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш лозим".

Давлат дастури юртдошларимизнинг ҳаётдаги қанчадан-қанча ташвишу муаммоларига амалий ечим топишга, халқимизни рози қилишга қаратилган. Бунда Дастурда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тиббиёт, таълим ҳамда бошқа гуманитар соҳаларни ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, инсон манфаатларини бевосита таъминлашга тааллуқли 93 та банд борлиги яққол тасдиқлайди.

Мисол учун 2021 йил 1 июнда бошлаб, пенсия тайинлашда 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажини шахснинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида, тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмагандан ҳисоблаш тартиби жорий этилмоқда. Бунинг натижасида, йил

олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилади. Ушбу гуруҳлар фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ва мунтазам ёритиб борилади.

Дастурнинг 24-бандида нодавлат суд-экспертиза фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш механизmlарини жорий этиш вазифаси қайд этилган. Бунда нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини ташкил этишнинг давлат-хусусий шериклик асосидаги шакллари жорий қилиниши, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишларига қўмаклаштиришнинг самарали механизмларини тадбиқ этиш, шунингдек, нодавлат экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини белгилаб бериш назарда тутилган.

Дастурга мувофиқ инсон ҳуқуқлари соҳасида жамоатчилик мониторинги тизимини шакллантириш учун тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладди. Лойиҳада:

- "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунда жамоатчилик назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш механизmlари ва тартиб-таомилларини белгилаш;

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича "жамоат инспектори", "жамоат кузатувчиси", "жамоат комиссияси" институтиларини шакллантириш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунлар самарадорлигини баҳолаш ва илмий асосланган ҳамда чуқур ўйланган жамоатчилик мониторинги тизимини шакллантириш назарда тутилди.

- Фармоннинг 23-бандига мувофиқ:

- Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига "мониторинг ташрифлари" тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш тавсия этилди;

- жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилди;

- 2021 йилда 6 тагача манзил-колониалар қисқартирилди.

Бу вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши, шубҳасиз, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилларининг кенг жорий этилиши йўлида муҳим амалий қадамлар ҳисобланади.

**Ғулум МИРЗО,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист  
**Бобомурод РАЙИМОВ,**  
"Куч — адолатда" муҳбири



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан фойдаланган И.Эшмуродов эса, иккаласининг устига ётоқхонадаги кўрпакларни ташлаб, ёқиб юборишда, воқеа жойидан яширинади.

Аммо оловнинг куйдиришданми ёки бошқа сабабми, ҳар ҳолда хонадон соҳибаси тезда ўзига келади. Сўнг босқинчининг чиқиб кетганига ишонч ҳосил қилгач, кўни-кўшилларини ёрдамга чақиради. Пировардида кўпчилик бўлиб ёнғинни барта-раф қилишади. Аниқроғи, "меҳмон"нинг жинояти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етмай қолади.

Мазкур жиноий қилмиш содир этилган, Ихтиёр Эшмуродовга нисбатан Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми "а"-бандида кўрсатилган ўзгариш жуда кўп миқдордаги мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик қилиш, шунингдек, 25, 97-моддаси 2-қисми "а, в, ж, и"-бандларида кўзда тутилган тамағирлик ниётида икки ёки ундан ортқ оғиз ахволдаги шахсни қасддан ўлдиршига суиқасд қилиш айблари билан жиноят иши кўзга ташланади. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди эса, ўзининг юқоридаги ҳукми билан уни 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этади. Суднинг 2009 йил 3 сентябрдаги апелляция ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолади.

И.Эшмуродов виждони олдида ўзини мутлақо айбисиз деб биларди. Шунинг учун ҳимоячиси — Бухоро шаҳридаги "Адолат мезони" адвокатлик фирмаси раҳбари Таштемир Адизов 2019 йил 14 декабр кuni виллоятда ўтказилган сайёр қабулда унинг номидан Олий суд раиси Қозимжон Комиловга муножот қилиб, адолатни қарор топтиришда амалий ёрдам беришни сўрайди. Натияжада Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 6 февралдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг 2009 йил 3 сентябрдаги апелляция ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янги-

Оқлов

Амалиётдаги камёб ҳолат

судларнинг чинакам адолат кўрғонига айланаётганини исботлади

дан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилади.

Мазкур суд жараёнида биринчи босқич суди жиноят ишини кўришда Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Олий суд Пленумининг тегишли қарори талабларига риоя қилмагани аён бўлади.

— Мен ҳамқишлоқ бўлгани сабабли жабрланувчи Тамара Юлиевани ҳам, оила аъзоларини ҳам танийман. Лекин унинг уйида содир этилган босқинчиликка мутлақо дахлим йўқ. Бу ҳақида тергов жараёнида хабар топганман. 2009 йил 29 январь кuni кечкурун соат 21:00 ларда уйимдан юз метр наридаги кўшним Боқиев Исролдан DVD диск олиб келиб, телевизор кўриб ётдим. Кейин ухладим. Жиноят юз берган кuni уйда бўлганимни бошқа гувоҳлар ҳам тасдиқлаши мумкин. Қолаверса, жабрланувчи билан уйимнинг ораси 3 километр келади. Тўғри, Тамара Юлиеванинг турмуш ўртоғи Бахтиёр Юлиев билан гоҳ-гоҳида карта ўйнаб турганмиз. Аммо уларниқанда пул борлигини билмаганман. Тергов даврида жиноятни бўйнимга олишимни талаб қилиб, турли жисмоний ва рухий тазйиқлар ўтказишди. Хатто чўнтагимга ёки уйимга гиёвандлик воситасини ташлаб бўлса ҳам, қамаш билан кўрқитишди. Кейин бармоқ изларимни олишди. Бирок мен бу жиноятни қилмаганман, виждоним олдида ўзимни айбисиз деб ҳисоблайман. Шунинг учун адолатли қарор чиқариб, мени оқлашнингизни сўрайман, — дея И.Эшмуродов жазони ижро этиш колониясида турган ҳолда видеоконференция орқали қўрсатма беради.

Дарҳақиқат, судланувчининг кўшнисини, айна пайтда Россия Федерациясида бўл-



ган Малоҳат Жумаева ва 2019 йил 2 июлда вафот этган Исрол Боқиев биринчи босқич судидаги кўрсатмаларида уша кеча И.Эшмуродов уйида бўлганини тасдиқлашган. Қолаверса, жиноят иши ҳужжатларида воқеа жойини кўздан кечириш 2009 йил 30 январь кuni тунги соат 21:20 да, яъни воқеадан 3 соатча ўтибқ ўтказилган, бармоқ излари уйга кириш эшигининг дераза ойнасида олинган кайд этилган. Аммо уша кеча маҳаллада чироқ бўлмаган. Шундай экан, чироқ йўқлигида кўздан кечириш жараёни қандай амалга оширилгани, эшик деразасидаги бармоқ изи қоронғуда қандай олингани ажабланарли эмасми? Қолаверса, кўздан кечириш жараёни тунда ўтказилгани ҳолда баённомага илова қилинган суратлар кундузи олингани қизиқ.

Бундан ташқари воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида фуқаролар Зафар Бобоев ва Ҳамро Ҳамроев ҳоли сифатида иштирок этгани баённомада қайд этилган. Бироқ апелляция инстанциясида сўроқ қилинган З.Бобоев ушбу жиноят ҳақида эртаси — 2009 йил 30 январь кuni соат 09:00 ларда эшитилгани, ҳолис сифатида иш-

тирок этган яна бир фуқаро Ҳ.Ҳамроевни танимаслигини, баённомадаги ҳамда туман ИИБ бошлиғи номига ёзилган тушунтириш хатидаги имзолар ўзиники эмаслигини маълум қилади. Шу билан бирга, жабрланувчи Т.Юлиева дастлабки тергов жараёнида уйига кирган шахсни танимаганини, у ҳеч қандай пул ва бошқа мулклар талаб қилмаганини, ишлар номаълум шахс ўзини тимда-лаб, тан жароҳати етказганини таъкидлаган бўлса-да, кейин эса, уйига бостириб кирган шахс айнан И.Эшмуродов экани ва у шафқатсизларча уриб, пул топиб беришни талаб қилганини билдириб, кўрсатмаларини бир неча маротаба ўзгартирган.

Қонун талабига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекинши, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас, демакки, яроқсиз деб топилишига олиб келади.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига мувофиқ, айблов ҳужми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат суд-

ланувчининг жиноят содир этишда айбли экани суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳужмига ишот содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларга асос қилиб олиниши лозим. Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг апелляция ҳайъати суднинг 2009 йил 3 августдаги ҳукмини бекор қилиб, Ихтиёр Эшмуродовни айбисиз деб топиб, оқлайди. Энг муҳими, юзи ёруғ бўлган қаҳрамонимиз Оҳангарон шаҳридаги жазони ижро этиш колониясида дарҳол озод қилинади. Аммо...

Аммо Ихтиёр Эшмуродовнинг қувончи зооққа чўзилмайди. Негаки, тергов органи томонидан оқлов ажримидаги жазони ижро этиш колони-ясида дарҳол озод қилинади. Шу боис Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 20 июлдаги ҳукмига асосан, оқлов ажрими бекор қилинади. Сўнг жиноят иши янгидан кўриш учун жиноят ишлари

бўйича Навоий вилояти суди (ҳозирги Навоий вилояти суди)га юборилади.

Буни қарангки, галдаги апелляция судида яна айрим айрим қонунчиликлар аниқланди. Масалан, И.Эшмуродовнинг қайнукаси Қарим Шодиев дастлабки терговдаги кўрсатмасида 2019 йил 19 январь кuni акалари Ҳасан, Ашур ва Вали Шодиев билан опасининг уйига боришганини, у ерда жажл устида поччасининг юзига ургани боис унинг бурни ва оғзидан қон келганини маълум қилган. Лекин биринчи босқич суди иш бўйича ашъвий далил деб эътироф этилган И.Эшмуродовдан олинган бинафша рангли чопондаги қон доғлари К.Шодиевга тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаш мақсадида судга оид биологик экспертизаси тайинлаб, ҳолатга аниқлик киритмаган. Қолаверса, суд томонидан И.Эшмуродовнинг чопонидagi К.Шодиевга тегишли бўлган қон доғлари жабрланувчи Т.Юлиевага ёки бошқа шахсга тегишли-тегишли эмаслигини аниқлаш учун ДНК экспертизаси тайинланиб, ҳулоса олинмаган. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти суди жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2009 йил 3 августдаги ҳукми бекор қилиб, Ихтиёр Эшмуродовни такроран оқлади. Шунингдек, суд ажримидa И.Эшмуродовга жиноий таъқиб натижасида ўзига етказилган мулкий, маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят-процессуал кодексининг 304-313-моддалари тартибидa барта-раф қилиш ҳуқуқи ҳам тушунирилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, судланган шахсининг икки маротаба оқланиши амалиётда деярли учрамайдиган ҳолат. Бу ҳам бўлса, Президентимиз ташаббуси билан юзага чиқарилган адолатнинг, судлар эса, чинакам адолат кўрғонига айланаётганининг ёрқин ифодасидир.

**Маъмуржон ҚОДИРОВ,**  
Навоий вилояти суди судьяси  
**Ҳуршид СУЛТОНОВ,**  
журналист

Кўчага чиққикми, йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Шунинг учун хоҳ пиёда, хоҳ транспорт воситасида бўлсин, йўлларда ҳаракатланганинг амалда беғаллаб қўйишдан қўсқаларига қатъий риоя қилишимиз шарт.

Бу ўзимиз ва ўзгалар соғлиғи ҳамда ҳаёти хавфсизлигининг кафолати эканини доимо ёдда тутишимиз керак.

Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси берган маълумотларга қараганда, ўтган 2020 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 2388 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Ана шу ҳодисаларнинг 624 таси ўлим билан боғлиқ. Кўнгилсиз ҳодисалар оқибатида 1746 нафар киши тан жароҳати олган. 2019 йилнинг биринчи ярим йилига таққослаганда, бу кўрсаткич етти фоизга камайган.

Тахлиллар ушбу кўнгилсиз ҳодисаларнинг 383 таси болалар, 1154 таси пиёдалар ва 101 таси велосипедчилар иштирокида содир қилинганини кўрсатмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг руй беришига асосан пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтиши, йўлга тўсатдан чиқиб қолиши, велосипед билан йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиш, ҳайдовчиларнинг эса, белгиланган тезликка риоя қилмаслиги, қувиб ўтиш ёки қарама-қарши йўналишига чиқиш, рўлда ухлаб қолиш, автомобилни маст ҳолда бошқариш сингари қоидабузарликлари сабаб бўлган.

Автотранспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келганига ҳаётда жуда кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Мисол учун ўтган йилнинг 31 октябрь кuni ҳам шундай бўлди. Булунгур тумани "Меҳрон" маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 4 — Р 47 автомобиль йўлида содир этилган автоҳалокат оқибатида ўн тўққиз ёшли йигит ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Автоҳалокат сабабчиси Турдимурод (исм-шарифлар ўзгартрилди) бир кун аввал жиноят ишлари бўйича Жомбой тумани судида қора курсида ўтириб, қилмишлари учун қонун

олдида жавоб берган, тавба-тазарру қилган эди. Суд Т.Латиповни Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисмидаги жиноятларни содир этганига айбдор топиб, Жиноят кодексининг 45, 59, 61-моддалари тартибидa икки йил муддатга муайян ҳуққдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг олти миш бара-вари миқдоридa (13 миллион 380 миң сўм) жарима жазосига ҳукм қил-



ганди. Турдимурод суд томонидан белгиланган жаримани тўлашга улгурмади, фалокат босиб у яна айбни оғирлаштирувчи ҳолатда жиноят содир қилди.

Воқеа тафсилоти шундай кечади: Жомбойдан Булунгурга қайтган Т.Латипов соат тахминан ўн тўртларда туман марказидаги ошоналардан бери-рига киради. Овқатланиш чоғида спиртли ичимлик ичади. Кечки вақт соат 00.30 ларда бошқарувидаги "Дамс" русумли автомобилда туман марказидан яшаш уйига қайтаётган-ди. Қарама-қарши томондан келган машина чироқлари кўзини қамаштиради, буниси етмаганидек, кўл телефони ҳам жиринглаб қолади. Спиртли ичимликдан сархуш Турдимуроднинг хаёли телефонга қалғий-ди. Олдинги йўналишига қарамасдан ҳаракатланишни давом эттиради.

Худди шу пайтда у билан бир йўналишда, йўлнинг ўнг томони четки

қисмида Х.Ҳўжақулов "Кама" русумли велосипедни етаклаб ўртоғи А.Самиев билан кетиб боришгаётгани. Маст-аласт ҳайдовчи автомобилни чап томонга буришга ҳаракат қилади. Бироқ оралик масофа жуда қисқа эди, автомашина олд қисми билан велосипедни етаклаб бораётган Х.Ҳўжақуловни уриб юборди. Автомашинани йўл четидaги дарахтларга бориб урилади ва ағдарилиб кетади. Пиёда Х.Ҳўжақулов оғир тан жароҳати олгани сабабли



воқеа жойида вафот этади. Автомашинани бошқариб бораётган одам ҳеч қачон автоҳалокат руй беришни истамайдми, ўзига ҳам, ўзга ҳам ёмонлиғи соғинмайди. Судланувчи Турдимурод Латипов ҳам кўнгилсизлик руй беради, деб ўйла-маганди. Лекин ана шу оқибатни ўйла-маслик ниҳояси фожиали яқун топди.

Ҳўш, ҳайдовчи Т.Латипов амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг қайси талабларини бузган? "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 11-банди "г" кичик бандида "транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатлана-ниш жараёнида пиёдалар, айникса, болалар, ноғиронлар, қариялар ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткор-лик чораларини кўриши шарт", 12-банди 1-қисмида "ҳайдовчига транс-порт воситасини мастлик ҳолатида бошқариши тақиқланади", 77-банди-да "ҳайдовчи ҳаракатининг серқатнов-лиги, транспорт воситаси ва юкнинг

хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракат-лашни йўналишидаги кўринишни ҳис-соба олган ҳолда транспорт восита-си тезлигини белгилангандан ошир-масдан бошқариши зарур. Тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талаб-ларини бажариши учун транспорт вос-итасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бери-ши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳай-довчи аниқлай олиши имкониятидаги

Жиноятга жазо муқаррар!  
**Эҳтиётсизлик ва қоидабузарлик инсон умрига зомин бўлди**

хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайти-риши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қат-нашчиларини учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кў-риш керак" деб қатъий белгилаб қў-йилган.

Биз бу қоидаларни бежизга кел-тирмадик. Гап шундаки, судланувчи Т.Латиповнинг ана шу қоидаларга амал қилмасдан эҳтиётсизлик ва қои-дабузарлик содир этгани бир ёш йи-гитнинг ҳаёти бевақт завол топиши-га, ўғли ҳақида ширин орзу-умидлар-да юрган ота-онанинг қутилмаган йўқотишдан қақшаб қолишига сабаб бўлди.

Суд дастлабки тергов органи то-монидан Т.Латиповнинг жиноий ҳара-катлари Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри мала-каланган деб топди. Ушбу жиноятни эҳтиётсизлик оқибатида содир этил-

ган унча оғир бўлмаган жиноят деб ҳисоблади. Судланувчининг ўз айби-га иқроғлиги, қилмишидан пушаймон-лиги, яшаш жойидан ижобий тавсиф-нома берилгани унинг айбини енгил-лаштирувчи, мастлик ҳолатида жи-ноятни содир этганини айбни оғир-лаштирувчи ҳолат деб эътироф этди.

Энди судланувчи Т.Латиповга нис-батан суд томонидан тайинланган жазо тури ва мезъерига тўхталагандан бўл-сак, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жи-ноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 54-банд-да эътибор қаратамиз. Ушбу банд-да "Жиноят кодексининг 60-моддаси-да назарда тутилган бир неча ҳукм-лар бўйича жазо тайинлаш қоидалар-и биринчи ҳужм эълон қилингандан сўнг, лекин ўша ҳукм бўйича тайин-ланган асосий ва қўшимча жазолар тўлиқ ўталганга қадар маҳжум томони-дан янги жиноятни содир этилган ҳол-ларда қўлланилади" деб судларга раҳ-барий тушунтириш берилган.

Таъкидланганидек, жиноят ишлар-и бўйича Жомбой тумани судининг судланувчи Т.Латиповга нисбатан 2020 йил 30 октябрдаги ҳукми қону-ний кунга кирмаган ва ижрога қара-тилмаган. Суд қонунчиликдаги бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда, Жи-ноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми тартибидa ҳукм билан тайин-ланган жазоларни тўлиқ қўшиб ҳи-соблашни лозим топди.

Суд ҳукми билан Т.Латипов беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари суднинг ҳукми билан тайинланган икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жа-зоси алоҳида ижрога қаратилди.

Ҳулоса қилиб айтганда, "Йўл ҳа-ракати қоидалари"га риоя этмаслик, эҳтиётсизлик ва қоидабузарлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган, кел-майди ҳам. Маст ҳолатда автомаши-на бошқариш ва ҳушёрлики йўқотиш бир инсон умрига зомин бўлгани ҳам-мани ҳушёр тортирмоғи лозим.

**Ғайрат НЕЪМАТОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Булунгур тумани суди раиси  
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
"Куч — адолатда" муҳбири

Қонун кўмаги

Қонунга зид қарор зуоқ сарсонгарчиликка сабаб бўлди

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаоли-тида эркин иштирок этиши ва ундан ман-фаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаолиятини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, давлат орган-лари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи идоралар, шунингдек, банклар билан ўзаро муно-сабатда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципига амал қилиш, унга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга оши-риш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар, ноаниқликларни тадбир-корлик фаолияти субъекти фойдасига талқин қилиш бўйича "Тадбиркорлик фа-олияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 1- ҳамда 11-моддаларида назарда тутилган қоидалар ҳам эътибордан четда қолди.

Ушбу ҳолатларнинг бари манфаатдор шахс мақомидаги фуқаро Шоҳруҳ Коми-ловнинг давло аризаси асосида ўтказил-ган суд мажлисида юзага қалқиб чиқди. Суд мажлисида жавобгар — Урганч шаҳар ҳокимлиги вакили У.Машиаровнинг му-лоҳазалари ҳам тингланди. Унинг айтиши-ча, Урганч шаҳар ҳокимининг Ш.Комилов-га шаҳардаги Амир Темур номидаги боғ худудидан 400 квадрат метр ер майдони-ни ижарага бериш ҳақида 2018 йил 5 ноя-брда қабул қилинган 2814 к-сонли қаро-ри Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғла-рининг моддий-техника базасини мустаҳ-камлаш ва уларнинг фаолиятини янада та-комиллаштириш чора-тадбирлари дасту-рини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган ва ижро му-ддати аллақачон тугаб бўлган 332-сонли қарори 3-моддаси 4-хатбоиши талаби-га зиддир. Чунки тадбиркор томонидан барпо қилинадиган объектни ушбу худ-дудда жойлаштириш боғнинг бош режа-сида кўзда тутилмаган ва ҳокимнинг му-қаддам 2018 йил 5 ноябрда қабул қилин-ган 2814 к-сонли қарори шу важдан бек-ор қилиниши зарур.

Сичқиқлаб разм солган киши вакил-нинг ушбу даввоси бирмунча галати, ажабланарли ва ҳатто мантиққа ҳам зид эканини англамай қолмайди. Ҳа, давво чиндан ҳам, галати. Ҳокимликнинг ерни тадбиркорга бериш ва уни қайтариб олиш юзасидан чиқарган ҳар иккала қаро-ри мазмунан айнан шундай. Ижро му-ддати бир неча йил аввал ўтиб кетган қарорни "бажариш" мақсадида боғнинг тегишли ҳудудини манфаатдор шахснинг тасарруфига бериш юзасидан 2018 йил-нинг 5 ноябрда чиқарилган дастлабки қарорда қайд қилинишича, ушбу ер май-дони қонун талабига мутлақо мос, нуфуз-ли ва ваколатли давлат органи томони-дан тасдиқланган бош режага ҳам тамо-мила мувофиқ ҳолда ажратиб берилган. Аммо орадан салкам 2 йил ўтиб, 2020 йил 5 сентябрда қабул қилинган 1221 к-сон-ли янги қарорга кўра, мазкур ер майдо-ни Вазирлар Маҳкамасининг амалда бўлмаган айнан ана шу қарори талаб-ларига зид ҳолда ажратиб берилган ва у айнан шунинг учун ҳам тадбиркордан қайтариб олинмоғи керак...

Қизиқ, ижроси салкам 4 йил муқад-дам тўхатилган қарорни шу алфозда та-лқин этиш қимга ва нимага зарур бўлиб қолди? Бу сингари саволларга ҳозирча аниқ жавоб йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шу сингари ноҳушлиқлар чор-атрофимизда ҳали анчагина ва уларнинг кўпи судда ўзининг қонуний ечимини топмоқда. Бу-нинг амалдаги ифодаси зикр этилаёт-ган масаланинг суддаги муҳокамаси чо-ғида ҳам намоён бўлди. Ерни тадбир-корга бериш ва тортиб олиш билан боғ-лиқ барча ҳолатларга оидлики киритил-ди, қабул қилинган ҳар иккала қарорнинг қонунийлиги адолат тарозусида тортил-ди. Шу аснода ҳокимлик ва тадбиркор ўр-тасидаги зиддиятнинг одилона ва адо-латли ечими юзага келди. Тегишли ҳу-дудни тадбиркордан қайтариб олишга қарата шаҳар ҳокими томонидан 2020 йил 5 сентябрда қабул қилинган 1221 к-сонли қарор ҳақиқий эмас, деб топил-ди. Ер ўз эгаси тасарруфидa қолди.

Халқимиз "Етти ўлчаб, бир кес", де-ган ҳикмати бежизга айтмаган. Уйлан-масдан қилинган иш пировардида зуоқ сарсонгарчиликка сабаб бўлди. Аслида ҳар бир киши қонунга қатъий риоя этиб, бурч ва мажбуриятларини унутмаган жой-да ортиқча муаммоларга ўрин қолмайди.

**Дилмурод ОЧИЛОВ,**  
Урганч туманлараро маъмурий суди раиси  
**Абдулла СОБИРОВ,**  
"Куч — адолатда" муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

**Бош муҳаррир:**  
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**  
Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидa 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Козимджан КАМИЛОВ  
Робохон МАХМУДОВА  
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Холмуин ЕДГОРОВ  
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ  
Замира ЭСОНОВА  
Бобомурод РАЙИМОВ

**Навбатчи муҳаррир:**  
Сардор ҲАМРОЕВ  
**Саҳифаловчи:**  
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ  
Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўркан кўчаси, 41-уй.  
**Манзилими:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй  
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54  
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7545  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23<sup>00</sup>. Топширилди: 1<sup>00</sup>.